МУЛЛАСОДИҚОВА Нигора
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Араб тили ва адабиёти ал-Азҳар кафедраси
катта ўқитувчиси, PhD

РАМАЗОН ОЙИНИНГ НОМЛАНИШИ БИЛАН БОҒЛИҚ ҚАРАШЛАР

ВЗГЛЯДЫ НА НАЗВАНИЕ МЕСЯЦА РАМАДАН

VIEWS ON THE NAME OF THE MONTH OF RAMADAN

Аннотация: *Бугунги кунда йил ҳисоби милодий ва ҳижрий тақвим билан юритилади. Ҳижрий йили Пайғамбаримизнинг Мадинага ҳижратлари билан боғлиқ. Ҳижрий тақвим бўйича ойларнинг номи ўз тарихига эга. Мазкур мақолада ҳижрий тақвимдаги ой номлари нима асосда танлангани ҳақида фикр юритилади.*

Калит сўзлар: *тақвим, ҳижрий тақвим, йил, ой, рамазон*

Аннотация: *На сегодняшний день год ведется по григорианскому календарю и хиджри. Год хиджры связан с переселением нашего Пророка в Медину. Названия месяцев в календаре хиджры имеют свою историю. В данной статье рассматриваются причины выбора названий месяцев в календаре хиджры.*

Ключевые слова: календарь, календарь хиджры, год, месяц, рамадан.

Annotation: *To date, the year is conducted according to the Gregorian and Hijri calendars. The Hijra year is associated with the resettlement of our Prophet in Medina. The names of the months in the Hijri calendar have their own history. This article discusses the reasons for choosing the names of the months in the Hijri calendar.*

Keywords: *calendar, Hijri calendar, year, month, Ramadan.*

КИРИШ

Қадимда халқлар маълум қонуният асосида йил ҳисобини юритган. Ернинг Қуёш атрофида бир айланиб чиқишига асосланган тақвим “қуёш тақвими” дейилган. Бу тақвим бугунги кунда милодий ёки Григориан тақвими деб ҳам аталади ва у дунёда энг кенг тарқалган тақвим деб ҳисобланади. Иккинчи тақвим ҳам Ернинг Қуёш атрофида айланиб чиқишига асосланган бўлиб, йил бошланиши 21 мартга тўғри келади. Бу тақвим давомийлиги ҳам милодий тақвимга мос ва у асосан шарқ халқлари орасида кенг тарқалган. Бизнинг юртимизда ҳам йил бошланиши ва ой номланиши узоқ давр шамсий тақвим билан юритилган.

Араблар жоҳилия ва ундан аввалги даврларда ҳам шамсий тақвимдан фойдаланган. Ўша даврда бир циклдаги йил ўн икки ва ўн уч ой деб ҳисобланган. Қўшимча ўн учинчи ой Пайғамбаримиз даврларида истеъмолдан чиқарилган. Илк ислом даврида санада йил кўрсатилмаган. Вақт ўлчови маълум бир воқеа билан боғланган. Кейинчалик ҳужжат юритишда турли муаммолар юзага келиши билан халифа Усмон бин Хаттоб даврида мусулмонлар йил ҳисобини юритиш учун Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг Маккадан Мадинага ҳижрат қилган вақтларини асос қилиб олган. Бу ҳисоб Ойнинг Ер ўқи атрофида айланиб чиқиши билан боғланди, яъни ҳар бир даврда ойнинг қандай шаклда бўлиши ва қай даражада ёруғлик таратиши билан белгиланган. Мазкур ҳисоб бўйича ўн икки ой номланишининг ўз тарихи бор.

Араблар ҳар бир ой номини муайян воқеаларга таянган ҳолда танлаган. Унинг берилишида қиз, ўғилларнинг балоғатга етиши, шариат аҳкомларига асосланган ибодатлар ҳам ҳисобга олинган, шунингдек энг қадимий араб тилидаги ой номлари ҳам маълум маънода таъсир қилган. Мазкур мақолада имкон қадар ойларнинг номланиш тарихи ёритилган.

АСОСИЙ ҚИСМ

Муҳаррам – ҳижрий-қамарий тақвимнинг биринчи ойи. Арабларда бу ой табаррук ойлардан бири сифатида қаралади. Жоҳилия даврида бу ойни “сафар” ойи билан боғлаб, “сафар-ул-аввал” деб ҳам аталган, мазкур ойда “ҳар қандай юриш бесамар бўлади” деган фикр билан жанг қилиш қатъий таъқиқланган.

Сафар – бу ой номи урушга кетган аҳоли ҳисобига юртнинг бўшаб қолиши, ҳудудда тарқаладиган касаллик сабаб аҳоли рангининг сарғайиб, кўзга ташланиб қолиши билан таърифланади. Қадимги араб манбаларида келтирилишича, сафар ناجر, نجار сўзлари билан

боғланиб, шиддатли уруш ёки кучли иссиққа нисбат килинади.

Рабиу-л-аввал – ҳижрий йилининг учинчи ойи, баҳор мавсумининг бошланишига тўғри келгани сабаб “рабийъул-аввал” дейилган. “ربيع” сўзи араб тилида “бахор” маъносини беради, қадимги араблар уни “куз” маъносида хам қўллаган. Аҳмад Манзиловий ўзининг «شهر رمضان فى الجاهلية والاسلام» китобида Самуд қабиласи савдо-сотиқ билан шуғулланадиган ушбу ойни “مورد - фойда” ойи деб атаган, бошқа араблар эса уни “طليق – қувончли, озод, боғланмаган”, “خوان – хурсандчилик, озод, боғланмаган” деб атаган. Яъни бу вақтда муборак ойлардан кейин қабилалар ўртасидаги курашлар давом этган. Рабийъул-охир ойи яна “рабийъус-саний” ҳам дейилган. Ҳижрий йилнинг чорак қисми – тўртинчи ойи ва баҳор мавсумининг давоми сифатида қаралиб, “рабийъул-охир” дейилган. Пайғамбаримизнинг бешинчи боболари Килаб бин Мурра даврларида шундай ном берилган.

Жумодо-л-увла ва жумодо-л-охира – ҳижрий тақвимнинг бешинчи ва олтинчи ойлари, унинг номланиши “تجمّد – музлаш, муз билан қопланиш” сўзи билан боғланган, бу вақтда араблар территориясида, айниқса шимолий ҳудудларда иқлим жуда совиб кетиб, одамлар совуқдан ўлиб қолишган. Ҳар икки жумодо ойларида кучли совуқ сақланиб қолгани учун бир-бирига боғлиқ номлар вужудга келган. Жумодо-л-охира яна “жумодо-с-соний” деб ҳам аталади.

Ражаб – мазкур ой ҳам исломдан аввал муҳаррам деб ҳисобланган тўрт ой қаторига киритилган бўлиб, унда жанг қилиш ман этилган. Одамлар жанг-жадаллар овозини эшитмаган, бу ҳамма тараф сокин, жимлик ҳукмрон бўлиб қолгани учун мажозий маънода карликка ўхшатилган, барча ҳудудларда тинчлик ҳукмрон бўлгани учун улуғлаб “ражаб” деб номлаганлар.

Шаъбон – мазкур ой номи Пайғамбаримизнинг бешинчи боболари даврида берилган [٢/١٩٤]. Бу ой дарахтларнинг шохлайдиган вақтига тўғри келган. Баъзи араб қабилалари бу ойни ражаб ойи каби муҳаррам ой деб ҳисоблаган, шунинг учун мазкур ой баъзан иккинчи ражаб деб ҳисобланган. Шаъбон сўзининг асоси “شعب” бўлиб, Рамазон ойидагидек яхши амалларнинг кўп бўлиши, “تشعب – тармоқланиш, тарқалиш” маъносига мувофиқ эса сув топиш, ҳужумлар қилиш ёки бошқа турли сабаблар билан тарқалиш ҳам шу вақтга тўғри келган. Ражаб ва Рамазон ойлари орасида бўлгани учун муҳим сана деб ҳисобланган.

Шаввол – бу ой ҳижрий йилининг ўнинчи ойи бўлиб, унинг биринчи кунида барча мусулмонлар Рамазон ҳайитини нишонлайди. Шаввол деб номланишига сабаб мазкур вақтда туяларнинг сути иссиқ ёки ўзининг ҳолатидан келиб чиқиб айниши ва қуриб кетиши, шунингдек насл қолдириш вақти етганига ишора борлиги билан боғланади.

Зулқаъда – мазкур ой ҳаж қилишдан олдинги ой деб ҳисобланиб, Қуръони каримда зикр қилинган муборак ойларнинг энг биринчисидир. Беруний бу ой номини одамлар ўз уйларида уруш-жанжаллардан холи бўлишлари учун шундай номланган, дейди. Сурёнийчада эса ҳажга тайёргарлик кўриш мақсадида ҳар ким ўз уйида қолиб, тиззани букишга кўниктириш деб таърифланган. Бу ой жоҳилия даврида муқаддас деб ҳисобланган тўрт ойнинг биридир.

Зулҳижжа – бу ҳижрий йил ҳисобининг охирги ойи бўлиб, муҳаррам ойларнинг иккинчиси деб ҳисобланади. Бу ой номи Пайғамбаримизнинг бешинчи боболари Килаб бин Мурра даврига бориб тақалади. Бундай номланишига ҳаж мавсуми сабаб бўлган.

Рамазон ойи эса ҳижрий тақвимнинг тўққизинчи ойи, у жазирама иссиқ кунларга тўғри келган. Мазкур ойда Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)га Қуръони карим ваҳий қилина бошланган. Бу ой яна мусулмонлар учун йилда бир ٣٠ кун тутилиши буюрилган рўза ойи ҳамдир. “Тафсири Байзовий” асарида рамазоннинг шундай номланишига уч сабаб кўрсатилган: очлик ва ташналикдан жигарнинг куйиши ёки жазирама иссиқда гуноҳларнинг куйиши, қайноқ ерда оёқнинг иссиқдан куйиб кетиши билан боғланади.

Рамазонда инсон бошқа ойлардаги қийинчилик ва оғир юклардан халос бўлиб дам олади, рўза тутиб, соғлигини тиклаб, ҳаётини давом эттириш учун куч-қувват тўплайди. Рамазон сўзининг асоси “ر م ض” бўлиб, у “тиғни ўткирлаш, куннинг қизиб жазирама бўлиши, ёндириб юбориш” маъноларини англатади.

Нима учун бу муборак ой номи жазирама иссиқ билан боғланади, деган саволга энг биринчи жавоб қадимда рамазон ойи ёз фаслининг энг иссиқ кунларига тўғри келганидадир.

Рамазон сўзи яна الرَّمَضُ – жазирама иссиқлик, қуёш ер, тош ёки қумларни қиздириб юборадиган иссиқ маънолари билан боғланади. Бу ловуллаган жазирама иссиқни яна "رَمْضَاءُ – рамдā'у" ҳам деб айтилади. Жаҳли чиқиб кетган одамга ҳам "бу уни безовта қилиб, касал қилиши ва оқибатда хафа қилиши мумкин" деб қараганлар. Бу сўз асоси фақат иссикликка хос эмас. Барча тиғли нарсанинг қайралганига нисбатан ҳам "رَميض" – рамид сўзи қўлланади. Темирдан пичоқ ясалганда ҳам шу ўзакдан фойдаланилади. Яна бирор кимса учун ичи ёниб, қайғуга ботиши ҳам ارتمضت كبده - жигари қуриди маъносида қўлланади.

Қадимгилар яна саратоннинг иссиғида оҳулар бир жойдан бошқа томонга кўчаётганда уларни овлаш учун таъқиб қилган, оҳулар қочиб, ҳолдан тойиб, оёқлари кучсизланиб, синиб кетгунча қувишган. Ана шундай жазирамада ов қилишни التَّرمُّض – тараммуд деб аташган. Подани жазирама иссиқда боқиш эса رَمْض – рамдун дейилган. Пайғамбаримиз кун қаттиқ қизиб кетган зуҳо вақтида Аввобинларнинг нафл намози ўқилиши ҳақида айтганлар. Рамазон сўзининг бу маъноларга нима даҳли бор деган савол туғилади. Рўзадор бу ойда иссиқдан қийналади, ҳавонинг қизиб кетиши ва қуруқлиги уни чанқатади.

Рамазон номи "рамада – رمض " ўзагидан ҳосил қилингани ва у "ёндирди, куйдириб юборди, ловуллатди" маъноларини ифодалагани, қадимда энг жазирама иссиқ вақтга айнан шу ой тўғри келгани учун уни ўша иссикликни ифодалайдиган сўз ўзагидан ҳосил қилинган. Унинг танланиши ва тарихи жоҳилий даврига бориб тақалади.

ХУЛОСА

Келтирилган маълумотлардан қадимда ой номлари мавсумий об-ҳавога қараб танлангани, ўша даврда рамазон саратонга, икки жумодо ойлари қиш чилласига, икки рабийъ ойлари эса ёмғирли ва шудрингли вақтга тўғри келгани кўрсатилган. Араблар ўз ҳис-туйғуларини ҳиссий маънолар билан ифодалашни жуда яхши билган. Шунинг учун саратонда қуруқ ҳавони ловиллатиб куйдириб юборадиган ҳақиқий иссиқни "рамад" деб аташган. Бу муборак ой номи жазирама иссиқ ёки машаққатларга боғланса-да, мусулмонлар учун мағфират, эзгулик, хайр-эҳсон, сабр ва қаноат фасли, ҳақиқий баҳор – яшариш фаслидир.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР

١. أحمد سيد حامد آل برجل. ألف معلومة عن اللغة العربية وآدابها.

٢. أحمد المنزلاوى. شهر رمضان فى الجاهلية والإسلام.

3. Иброҳимов Н. ва бошқалар. Қомус . – Тошкент. 2019.

4. https://e-tarix.uz/jahon-tarixi/396-turkiston-xalqlari-taqvimi.html

5. https://mawdoo3.com